

ГАВҲАРШОД БЕГИМНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Фаррух Азамат ўғли Авазов

Тошкент давлат шарқшунослик университети

таянч докторант

Тел: +99890 370-53-35

E-mail: farruh_don@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақола Темурийлар салтанати тарихида муҳим ўрин эгаллаган малика, Шохрух Мирзонинг рафиқаси Гавҳаршод бегимнинг ҳам сиёсат ҳам давлат арбоби сифатидаги фаолиятини очиқ беришга қаратилган. Мақолада XV аср биринчи ярми ва Шохрух Мирзо вафотидан сўнг Темурийлар салтанатидаги сиёсий вазият ҳамда унда Гавҳаршод бегимнинг ўрни масаласи таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *Темурийлар, Гавҳаршод бегим, Ghiyāth al-Dīn Tarkhān, Maḥdi Ulyā, Shāh Rukh Mirza, Sultān Abū Saʿīd Mirza, Baytulmagʻfira, Temuriylar saltanati.*

АННОТАЦИЯ

В статье раскрывается деятельность Гавхаршад бегима, супруги и царевны Шахрух Мирзы, сыгравшей важную роль в истории Империи Тимуридов, как политического и государственного деятеля. В статье анализируется политическая ситуация в государстве Тимуридов в первой половине XV века и после смерти Шахрух Мирзы, а также вопрос о месте в ней Гавхаршадбегима.

Ключевые слова: *Темуриды, Гаухаршад бегим, Гияс ад-Дин Тархан, Махди Улья, Шахрух Мирза, Султан Абу Саид Мирза, Байтулмагфира, империя Темуридов.*

ABSTRACT

The article reveals the activities of Gawhar Sād Begīm, the wife and Princess of Shāh Rukh Mīrzā, who played an important role in the history of the Timurids Empire, as a politician and statesman. The article analyzes the political situation in the Timurid state in the first half of the 15th century and after the death of Shahrūk Mirza, as well as the question of the place of Gawhar Sād Begīm in it.

Keywords: Timurids, Gawhar Sād Begīm, Ghiyāth al-Dīn Tarkhān, Maḥdi Ulyā, Shāh Rukh Mīrzā, Sultān Abū Saʿīd Mīrzā, Baytulmagʻfira, the Timurid empire.

КИРИШ

Амир Темур вафотидан сўнг мамлакатни узок муддат бошқариш Шохрух Мирзога насиб этди. Деярли 40 йиллик ҳокимият сурган Шохрух Мирзонинг ёнида ўзининг қимматли маслаҳатлари билан кўмак бўлиб турган Гавҳаршод бегимнинг ўрни бекиёсдир. Асли насаби тархонларга бориб тақалувчи ушбу маликанинг Темурийлар салтанати бошқаруви, амалдорлар тайинлаш, темурийзодалар таълими ва тарбияси масалалари, салтанатга меросхўр тайинлашда ўзига хос мавқега эга бўлган. Шунинг учун давр манбаларида Маҳди Улё, замон Билқиси ва даврон Қайдофаси, 0 деб улуғланган. Гавҳаршод бегим шахсини ўрганишга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар бўлса-да, мазкур маликанинг XV аср биринчи ярмида Темурийлар давлатининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётидаги роли тарихшунослик фанида етарлича очиб берилмаган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Мазкур мақолада холислик, тарихийлик, изчиллик, қиёсий таҳлил методларидан фойдаланиб, мавзу очиб берилди ва хулосалар берилди.

Ушбу мавзуга доир адабиётларни таҳлил этган ҳолда малика тўғрисидаги дастлабки маълумотлар тарихий манбаларда, хусусан, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида келтирилади. Шунингдек, бундай манбалар қаторига, Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”, Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” ҳамда Абу Бакр Тихранининг “Китоби Диёрбакрийа” асарларни келтириб ўтиш мумкин.

Тарихий манбалар асносида бир қатор тарихчи олимлар ҳам Гавҳаршод бегим тарихини ўрганишга оид илмий тадқиқотлар олиб борган. Жумладан, хорижлик тадқиқотчилар Б.Ф.Манз ва Ж.Э.Вудснинг илмий ишларида ушбу маликага оид кўплаб маълумотларни топиш мумкин. Ўзбек темуршунослигида эса Т.Файзиёвнинг “Темурийлар шажараси” монографияси ҳамда “Темурий маликалар” номли рисоласида аҳолида тадқиқ этилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Гавҳаршод бегим – Темурийлар салтанати ҳукмдори Шохрух мирзонинг (1409-1447) рафиқаси бўлиб, Темурийлар даврида юқори мартабага эга амир Ғиёсиддин Тархоннинг қизи бўлган. Амирнинг аждоди бўлмиш Қишлиқ тархон унвонини Чингизхоннинг ўзидан олганлиги ҳақида маълумотлар бор[1]. Бошқа

бир маълумотга кўра эса чиғатой зодағони бўлмиш Гиёсиддин Тархоннинг аждоди – Қушлик бир вақтлар Чингизхон хизматида бўлиб, жанг пайтида уни ўлимдан сақлаб қолган экан[2:300]. Темуршунос олима Б.Манз, Гиёсиддин Тархон яна икки қизини темурийлар хонадонига келинликка берганлигини ёзади[3:189].

Гиёсиддин Тархон Амир Темур даврида (1370-1405) кўзга кўринган беклардан бўлиб, унинг ўғиллари Али, Муҳаммад Суфи, Ҳасан Суфи тархонлар давлат ишларида катта таъсирга эга эдилар. Шохрух Мирзо (1405-1447) замонида ҳам даврида муҳим мансабларга эришгандилар.

Гавҳаршод бегим ва Шохрух Мирзонинг уч қизи (Марям Султон, Саодат Султон ва Қутлук Туркон Оғо)[4] ва уч ўғли (Улуғбек мирзо, Бойсунғур ва Муҳаммад Жўки)[5:632] бўлган.

Гавҳаршод бегим ўз даврининг оқила, зукко ва тадбиркор аёлларидан бўлиб, Шохрух Мирзо ҳукмронлик йилларида Темурийлар салтанатининг ички ва ташқи сиёсатида муҳим рол ўйнаган. Аслида саройда мартаба нуқтаи назаридан Шохрух Мирзонинг бошқа бир рафиқаси чингизий Хизр ўғлоннинг қизи Маликат оғо юқори турса-да, Гавҳаршод бегим Шохрух Мирзога ҳаммадан кўра яқинроқ ва сиёсат масаласида ўта фаол эди. Шунингдек, шоҳона тўй, маракалар ва диний байрамларда кўриниш берарди, барча йирик зодагонлар ва амирлар билан муносабатлар ўрнатган эди[1].

Темурийлар маликаларга хос равишда Гавҳаршод бегим ҳам ўз даврида йирик қурилишларга бош бўлган. Унинг фармони билан Машҳад шаҳрида Гавҳаршод Жоме масжиди (1418 йил) қурилиб, вақф мулклари ажратилиб берилган. Абдураззоқ Самарқандий Гавҳаршод бегим Ҳиротнинг шимолида Сари Пули Инжилда қурдираётган олий мадраса ва улуғвор иморат 1432 йили тамомланиб, у шундай бир иморатки, оламнинг бутун маъмур ерларида унга ўхшаши топилмайди, деб ёзади[6:24]. Мазкур мадрасага 1432 йил 4 октябрда Шохрух Мирзонинг шахсан ўзи ҳам ташриф буюрган.

Шунингдек, 1417 – 1437/38 йиллар оралиғида Ҳиротда мадраса ва масжиддан иборат мажмуа барпо этилиб, кейинчалик бир қанча темурийзодалар учун хилхонага айланган. Ушбу иморатларнинг бунёдкори замонасининг машҳур архитектори Қавомиддин Шерозийдир.

Темуршунос олим Т. Файзиев вилоятларга ҳоким тайинлаш, қўшинга саркарда белгилаш, кимга қандай инъом ва кимга қандай жазо белгилаш каби муҳим масалалар ҳам малика ихтиёрига топширилганлигини қайд этади[2:300]. Бундан Шохрух Мирзо даврида Гавҳаршод бегимнинг давлат ишлари ва

салтанат бошқарувидаги иштироки ниҳоятда сезиларли бўлганлиги маълум бўлади.

XV аср 40 йилларига келиб, Шоҳрух Мирзонинг улуғ ёшига қарамасдан хануз Темурийлар салтанати валиаҳди масаласи очиқ турарди. Чунки Шоҳрух Мирзо бешинчи ўғли Муҳаммад Жўки Мирзога руйхўшлик берса-да, Гавҳаршод бегим Бойсунғур Мирзонинг фарзанди, суюкли набираси Алоуддавла ни тўхтга ўтиришга муносиб деб ҳисоблаган. 1444-45 йили Шоҳрух Мирзо бетобланиб, сарой аҳли Хоқони Саиднинг ўнганмаслигига ва тез орада кўз юмишига ишончи комил эди. Бу орада Муҳаммад Жўки Мирзога хат юбриб, тезда Ҳиротга етиб келиши таъкидланади. Ҳиротга етиб келган Муҳаммад Жўки онаси Гавҳаршод бегимнинг фармонида кўра қўшин қўмондони Ферузшоҳнинг Алоуддавла ибн Бойсунғурга байъат келтирганидан хабар топади. Балхга қайтиб кетади. Бундан шаҳзода жуда қаттиқ тасъирланган бўлиши мумкин (1445 йили Муҳаммад Жўки Мирзо вафот этади). Лекин тез орада Шоҳрух Мирзонинг соғайиши валиаҳд масаласини кун тартибидан олади.

1446 йил Шоҳрух Мирзо ўзига қарши бош кўтарган набираси Султон Муҳаммад Мирзога қарши юришга отланади. Тарихнавислар фикрича деярли 70 ёшни қаршилаган бўлса-да, шахсан Шоҳрух Мирзонинг ўзи бу юришга чиқиши ҳамда жазоланаётган кўзғолон айбдорлари орасидан бир қанча саййидларнинг ҳукмдор фармони билан қатлга ҳукм қилиниши – Гавҳаршод бегимнинг қатъий талаби билан амалга оширилган[2:299].

Шоҳрух Мирзо даврида Хуросон сиёсий-иҷтимоий ва маданий жиҳатдан анча гуркираб ўсди. Мамлакат пойтахти Ҳирот иқтисодий ва маданий юксалишда Шарқнинг энг нуфузли шаҳарларидан бирига айланди. Табиийки, мамлакатнинг бундай юксалишида «амалий ҳукмдор» малика Гавҳаршод бегимнинг ҳиссаси беқиёс. Бу даврда Ҳиротда ва мамлакатнинг бошқа вилоятларида қурилиш ишлари авж олган эди. Масжид-мадрасалар, хонақоҳ, мақбара, даҳма, мусофирхона, шифохона, равот, кўприк ва сардобалар қуриб битказилди[7:39].

1447 йили Шоҳрух Мирзо вафот этгач, салтанат ҳаётида Гавҳаршод бегимнинг иштироки янада кучаяди. У ва унга яқин бўлган тархон амирлари тахт учун юзага келган курашларда Алоуддавла ва унинг ўғли Иброҳим Мирзо манфаатларини қўллаб-қувватлайдилар. Хоқони саъид Шоҳрух Мирзонинг вафотидан кейинги ўн йилликда ҳам мамлакат ҳаётида Гавҳаршод бегимнинг сисий таъсири ниҳоятда катта бўлди. Шунга қарамай тахт учун курашларда бир неча номзодларни қўллаб қувватлаган маликанинг барча уринишлари

самарасиз якунланиб, оқибатда ўзаро ички курашларнинг кучайишига олиб келди.

Шохруҳ Мирзо вафот этгач Гавҳаршод бегим кўшин кўмондонлигини Абдул Латиф Мирзога топширса-да, зимдан Ҳиротга – Алоуддавла Мирзога «пойтахтни мустаҳкамлаш» ҳақида махфий мактуб ёзиб, уни махсус чопар орқали жўнатади. Бундан воқиф бўлган Абдуллатиф бувисини ҳибсга олишга буйруқ беради. Абдуллатиф Мирзонинг бу қилмиши, Алоуддавла Мирзонинг унга қарши чиқишга унда, 1447 йил 29 апрел куни Абдуллатиф Мирзо Нишопур яқинида тўсатдан Алоуддавла Мирзо кўшинига дуч келиб, мағлубиятга учрайди ва ўзи эса асир олинади. Малика Гавҳаршод бегим маҳбусликдан озод этилади. .

1447-1449 йиллар давомида Алоуддавла Мирзонинг Хуросон тахтига эга чиқиши учун малика кўп уринган бўлса-да, амалда бу ҳеч қандай натижасига олиб келмайди. 1450 йилда эса Ҳиротда ҳокимият Абулқосим Бобур кўлига ўтиб, у 1457 йилга, яъни то ўлимига қадар ҳокимиятни ўз қўлида тутиб турган.

1457 йил 19 июлда Султон Абу Саид Мирзо Ҳиротни эгаллайди. Дастлаб, султон маҳди улё Гавҳаршод оқо билан мулоқот қилиб, унга нисбатан яхши муносабатда бўлади. Иззат-икром расм-русумлари ва эҳтиром шартларини бажо келтиради. Ўз навбатида малика ҳам Абу Саид Мирзога ўз илтифотини кўрсатганлиги маълум.

Матлаи саъдайнда ёзилишича: Шу аснода бир гуруҳ фасодчи кишилар Султон Абу Саид Мирзога: маликанинг Алоуддавла Мирзонинг фарзанди Мирзо Султон Иброҳим билан алоқалар ўрнатганлиги ҳамда маҳди улё Гавҳаршод бегим ҳузурига доимо хабарчилар келиб туришлари, лашкар аҳволи ва бошқа ахборотларни аниқлаб, Султон Иброҳимга етказдилар, ногоҳ бирор воқеа юз бериб, унинг тадорикини кўриш имкони ҳеч бир яратилган банда қўлидан келмай қолиши мумкин, яхшиси шуки, у (Маҳди улё – маъноси “Олий беланчак”. Одатда валиаҳд шаҳзода онаси бўлган маликаларга нисбатан ишлатилган)нинг хоинлик ва макру ҳийласидан хотиржаъм бўлиб олиш керак ва бу ишни кечиктириш ҳам галга солиш ярамайди”, деб етказдилар. Натижада бир сиқим ёвуз кишиларнинг саъй-ҳаракати билан, муборак рамазон ойининг тўққизинчисида (яъни 1457 йил, 31 июлда) у замон Билқиси (подшоҳ ва пайғамбар Сулаймоннинг хотини) ва у даврон Қайдофаси қатлга етди.

Давлатшоҳ Самарқандийдан ташқари бошқа темурийлар даври муаррихлари Гавҳаршод бегимнинг қатл қилинишини қоралайдилар. 1469 йил 5 феввалида оққўйўнлилар ҳукмдори Узун Ҳасанбекдан енгилган Султон Абу

Саид туркманлар кўлидаги темурийзода Ёдгор Муҳаммад Мирзо топширилади ва Гавҳаршод бегимни қатл эттирганлигини сабаб қилиб, Султон Абу Саид ўлимга ҳукм этилади.

Ўша давр муаррихларидан Абдураззоқ Самарқандий Гавҳаршод оқо муборак сояли ва баланд мартабали, шиори покизалик ва иффат пардасига ўралган, хатти-ҳаракати одилони ва қилмишлари пок, олийҳиммат ва улуғ орзули, иффат пардасида Робиа сифатлик ва покизалик ёпинғичида Зубайда янглиғ бир малика эди. Унинг эзгу фазилатлари адолат нигористонига соябону мактовли қилмишлари олийжаноблик дебчасига мундарижа эди. У шуҳратли бонудан тириклик оламида кўп хайрли ёдгорликлар қолди: доруссалтана Ҳиротнинг шимолида Байтулмағфира, Машҳади муқаддасда Масжиди Жоме”, дея маълумот беради[6:425].

ХУЛОСА

Амир Темурнинг вафотидан то 1457 йилга қадар, яъни ўзининг вафотигача бўлган даврдаги деярли барча сиёсий воқеаларда ҳам зодагон хонадонга мансублиги, ҳам ҳукмдорнинг хотини бўлганлиги туфайли Гавҳаршод оғанинг таъсирини кўриш мумкин. Бундан ташқари, унинг ақл-заковати ва шахсий қобилятлари унга сиёсий воқеаларни бошқариш имконини берди. Давлат бошлиғи Шохрух Мирзо вафот этгач, у Ҳирот тахтини эгаллашни истаган темурий мирзоларнинг таянч нуқтаси сифатида ҳокимият тимсолига айланди. Гавҳаршад оғани йўлбошчи сифатида кўрган тархоний амирлар малика қайси мирзони қўллаб-қувватласа, улар ҳам ўша мирзога кўмак берардилар. Шунинг учун Гавҳаршад бегимнинг шахсияти ва қўллаб-қувватлаши ҳокимиятга эришиш учун буюк куч сифатида намоён бўлади. Гавҳаршад оғанинг ўлиmidан сўнг тархоний амирлар, унинг тарафдорларидан бир қисми Султон Абу Саидга қарши чиқдилар ҳамда душманлари унинг сафидан жой олдилар. Мазкур давр сиёсий ҳаётида Гавҳаршод бегимнинг ўрни шубҳасиздир.

REFERENCES

1. Manz B.F. Gowhar-Šād Āgā // Encyclopedia Iranica. [Электрон ресурс]. <https://iranicaonline.org/articles/gowhar-sad-aga>
2. Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Тошкент: Ёзувчи, 1995. – 348 б.
3. Manz B.F. The Rise and Rule of Tamerlane. – Cambridge: 1989. 189 p. n 31.
4. Mo‘ezz al-ansāb fī šajarāt al-ansāb, Bibliothèque Nationale, ms. 67. fol. 137.

-
5. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн. II Жилд. – 1 қисм: 1405-1429 йил воқеалари / Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи А. Ўринбоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 632 б.
 6. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн: II Жилд. 2-3 қисмлар: 1429-1470 йил воқеалари / Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи А.Ўринбоев. Географик номлар изоҳли кўрсаткичи О.Бўриев. Тарихий шахс, воқеа ва атамаларга изоҳлар муаллифи Ғ.Каримов ва Э.Миркомиллов. – Тошкент: O‘zbekiston, 2008. – 831 б.
 7. Файзиев Т. Темурий маликалар. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – 39 б.